

**ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ
КЎРСАТИШНИНГ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРИ****Абдираимов Абдиқадир Абдуллаевич**

Криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7541423>

Аннотация: Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда вақт факторининг роли, реаниматологиядаги “олтин соат” тушунчаси ҳақида, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдаги муаммоли масалалар, ҳамда йўл транспорт ҳодисаси иштирокчилари жавобгарлигининг айрим хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: “олтин соат”, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, йўл ҳаракати қоидалари ўқув программалари, автомобиль ҳайдовчиларининг жавобгарлиги, ўқитишнинг ялпи характердалиги.

Республикамиз мустақилликка эришгач автомобиль саноатининг пайдо бўлиши, аҳоли сонининг ўсиши, ижобий тенденциялар билан бирга йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳам ошишига олиб келмоқда. Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари шуни кўрсатадики, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра давлатимизда рўйхатга олинган автомобиллар сони 2 767 126 тани ташкил этади. 2021 йилнинг ўзида республикамизда 236 667 энгил автомобиль ишлаб чиқарилган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ҳар 100 та фуқарога 8 донга энгил автомобиль тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан очиқланган маълумотларга кўра, 2021 йилда давлатимизда 10 001 та йўл-транспорт ҳодисалари юз берган. Натижада 2 426 киши ҳалок бўлган, 9 230 киши ҳар-хил турдаги тан жароҳатлари олган. 2021 йилдаги йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 2020 йилга нисбатан 42,34% га ошган. Энг ачинарлиси шундаки, 2021 йилнинг май ойига келиб, Ўзбекистон йўлларидаги йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлган болалар сони 65,5% га ошган. Ушбу кўрсаткичлар йўл-транспорт ҳодисаларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида яна бир бор мулоҳаза қилишга мотивация бўлиб хизмат қилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида оғир тан жароҳати олган шахсларнинг 60 фоизи ҳодиса жойида, 8 фоизи эса даволаш муассасаларига транспортировка чоғида вофот этади. Йўл-транспорт ҳодисаларида олинадиган асосий жароҳат турларига бош-мия жароҳатлари, умуртқа поғонасига етказиладиган жароҳатлар, кўкрак қафаси соҳасидаги жароҳатлар ва қўл-оёқларга етказиладиган жароҳатлар киради.

Мутахассисларнинг фикрича, агар жароҳатланган шахс клиник ўлим ҳолатида 3 минутгача бўлса, унинг ҳаётини асраб қолишга 75% имконият бор. Ушбу муддат 5 минут ва ундан ошгач бу имконият 0 га тенглашади. Москвадаги Склифасовский номидаги ИТИ (Илмий текшириш институти) маълумотларига кўра йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳат олганларнинг 19% да ўлимнинг сабаби қон кетишлар, ички органларнинг жароҳатланиши, асфиксия каби кечиктириб бўлмайдиган ёрдамни талаб қилувчи ҳолатлар ташкил этади[1]. Бундай ҳолатларда жароҳатланган шахснинг ҳаёти ўз вақтида кўрсатилган малакали биринчи тиббий ёрдамга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ички ишлар органлари ходимлари жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки

ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши, “Фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 3 боб 30-моддасига кўра, ички ишлар органлари, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек бошқа касб-кор вакилларига тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қонунчиликка биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилиш ёрдамни кўрсатиш мажбурияти юклатилган. Лекин, статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, жароҳатланганларнинг 65% биринчи тиббий ёрдамга муҳтож ҳолларда ЙХХБ ходимлари 0,2-0,7% ҳолатларда, автотранспорт ҳайдовчилари эса 7,0-8,0 % ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари аниқланган. Биринчи тиббий ёрдам амалиётида “Олтин соат” тушунчаси мавжуд бўлиб, унга кўра, жароҳат олинган вақтдан бошлаб бир соат ичида қанчалик тез биринчи тиббий ёрдам кўрсатилса, жароҳатланганларнинг яшаб қолиш имконияти шунчалик юқори бўлиши таъкидланган. Ўз вақтидаги биринчи тиббий ёрдамнинг кам ҳолларда кўрсатилиши бир қанча факторлар билан изоҳланади. Жумладан:

– Биринчи тиббий ёрдам ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва ёрдам бериш имкониятига эга бўла туриб ёрдам кўрсатмаганлиги ёки айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйганлиги натижасида жабрланувчининг баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига, шунингдек тегишлича ёрдам кўрсатмаганлик одамлар ўлимига ёки бошқача тарздаги оғир оқибатларга олиб келганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида барча фуқароларнинг хабардор эмаслиги ёки биринчи тиббий ёрдам кўрсата олмаганлик учун жавобгарликка тортилишдан қочиши натижасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилмайди. Шунингдек, қонунчиликда йўл транспорт ҳодисалари юз бериши натижасида келиб чиқувчи оқибат ва фактлар доирасида айбдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам белгиланган бўлиб, йўл-транспорт ҳодисасига сабабчи бўлган ҳайдовчиларнинг жабрланувчига нисбатан анча миқдордан кам зарар етказилган ҳолларда воқеа жойини ташлаб қочиш кетганлиги ёки жабрланувчиларга енгил тан жароҳати етказилган жойдан кетиб қолиши учун ҳам жавобгарлик ўрнатилган.

– Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда билимларнинг саёзлиги, малакасизлик. Бу фактор ҳайдовчилар тайёрлов курслари курсантлари учун ўқув дастурларининг хар-хиллиги, ўқув соатларнинг камлиги, назариянинг амалиёт билан параллель ҳолда олиб борилмаслиги, таълим берувчиларнинг касбий малакаси ҳамда тингловчиларнинг ўзлаштириш савиясига нисбатан талабчанликнинг сустлигида кўринади. Сўнгги пайтларда чет эллардаги биринчи тиббий ёрдам фани бўйича баъзи бир етук мутаххасислар биринчи тиббий ёрдам бўйича амалий машғулотлар Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги органлари ўтказадиган дала-ўқув машғулотларида ҳар-хил табиий ва кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда ўтказилиши керак деган илғор фикрларни олға сурмоқдалар. Ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида йўл-транспорт ҳодисаларида юзага келадиган асосий жароҳат турларини ҳисобга олган ҳолда ўқув программаларини тузиш, ўқув жараёнида илғор (интерактив) педогогик технологиялардан фойдаланиш, амалиёт учун албатта, алоҳида техник жиҳозланган хона бўлишлиги, симуляцион техник воситаларнинг мавжуд бўлишлиги, педогогик кадрлар амалиёт билан боғлиқ бўлишлиги, амалий дарсларнинг ҳар-хил табиий ва

кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда ўтказилиши охир-оқибатда юқорида кўрсатилган факторни камайишига олиб келади .

3. Ички ишлар ходимларининг йўл-транспорт ҳодисаларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари чоғида табелли ёки қўл ости воситаларидан фойдаланиш имкониятлари. Ўз-ўзидан тушунарлики, сўз автомобиль аптечкалари тўғрисида кетмоқда. Хорижий илмий адабиётларда шу вақтгача бўлган автомобиль аптечкаларида жгутларнинг резинкадан тайёрланган турлари мавжудлиги ва уларнинг кам эффектлилиги, бинтлар сонининг етарли даражада эмаслиги, дори препаратларининг турларини кўпайтириш зарурияти хусусида бир қатор фикрлар билдирилган . Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан автомобиль аптечкаларининг таркиби ижобий томонга ўзгартирилди. Стериль қўлқоплар, бинтлар сони кўпайди, ўпкани суний вентиляция қилувчи аппарат шартлиги кўрсатиб ўтилди, дори моддалар турлари мамлакатимиз жойлашган регионнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эффектив ва замонавий дори воситаларига алмаштирилди. Шундай бўлсада қонун биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган қўшимча дори воситаларига эга бўлишни ман қилмайди. Бу ҳолатлар биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув программаларига қўшимча мавзуларни киритишни кун тартибига қўяди. Ички ишлар органлари ходимлари автомобиль аптечкасидан фойдаланишнинг иложи бўлмаган ҳолларда қўл ости воситаларидан фойдаланишлари керак бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидаларининг 23-моддаси 2-қисмида йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда ҳайдовчилар биринчи тиббий ёрдам чораларини кўриши, сўнгра тез тиббий ёрдам ва фавқулодда хизмат ходимларини чақириши, шошилиш ҳолатларда эса йўлакай транспорт воситаларида жароҳотланганларни тиббий муассасага жўнатишлари лозимлиги айтилса, 3-қисмида “шикастланганларни ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасига олиб бориш зарур бўлганда, йўл-транспорт ҳодисасига даҳлдор бўлган ҳайдовчилар аввало транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириши, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларини кўришлари керак” ,– дейилади. Қоидаларга кўра, шошилиш ҳолат тўғрисида, агар йўлакай транспорт воситаси бўлмаса, ҳайдовчи жароҳатланган шахсни ўз транспорт воситасида тиббий муассасага олиб бориши керак, лекин, ҳодиса юзасидан гувоҳлар топиши, ҳодиса содир бўлган жойни айланиб ўтишни ташкил қилиши ва яна ҳодисага алоқадор излар ва буюмларни гувоҳлар иштирокида қайд этишни амалга ошириши мажбурияти ҳам мавжуд. Бу ерда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда вақт фактори ва шошилиш ҳолатлар тушунчаси муаммони келтириб чиқаради.

5. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрлашнинг ялпи характерда эмаслиги. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, илғор Европа мамлакатлари бўлмиш Голландия ва Белгияда биринчи ёрдам курсатиш бўйича ўқув курсларига аҳолининг барча қатламлари жалб қилинган. Германияда ушбу фан бўйича ўқув курслари соатлари Россиядагига қараганда анча кўп ва қаътий имтиҳонлар ўтказиш билан яқунланади. АҚШда бунга 200 соат ажратилган, бундан ташқари Европа ва Қўшма Штатларда парамедиклар тайёрловчи курслар мавжуд бўлиб, ушбу курсларда ўқувчилар аҳолининг ҳар хил қатламлари вакиллари бўлиб, биринчи тиббий ёрдам элементларини жуда яхши бажарадиган мутахассислар сифатида курсларни тугатишади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баранов А.В. Современный взгляд на состояние оказания первой помощи пострадавшим в дорожно-транспортных происшествиях. *Журнал им. Н.В. Склифосовского «Неотложная медицинская помощь»*. 2020;9(3):417-421.1.. <https://doi.org/10.23934/2223-9022-2020-9-3-417-421>
2. Марченко Д.В. Проблемы оказания первой помощи пострадавшим в ДТП. *Журнал «Вестник Восточно-сибирского института» МВД России*. 2009.
3. Кузьмин А.Г. Дорожно-транспортный травматизм как национальная проблема.
4. Дежурный А.И., Лысенко К.И., Батулин Д.И. «Современные проблемы обучения правилам оказания первой помощи в России. Электронный научный журнал «Социальные аспекты здоровья населения» 2020.
5. Михайлова Ю. В., Сон И. М., Дежурный Л. И., Халмуратов А. М. Система первой помощи. Принципы создания и функционирования в Российской Федерации. Информационно-аналитический вестник «Социальные аспекты здоровья населения», 2008/ № 1.
6. Лысенко К. И., Дежурный Л. И., Халмуратов А. М. Анализ причин низкой частоты и качества оказания первой помощи пострадавшим в ДТП водителями транспортных средств. «Медицинский вестник МВД», 2009, № 2, С. 9-13.
7. Дежурный Л.И., Чурсанова А.Б., Ганжурова Б.Ц., Халмуратов А.М. Оказание первой помощи пострадавшим в дорожно-транспортных происшествиях водителями транспортных средств. Юридические аспекты, обучение, оснащение. Электронный научный журнал «Социальные аспекты здоровья населения». №2. 2008 (6).
8. Михайлова Ю.В., Сон И.М., Дежурный Л.И., Чурсанова А.В., Рожков С.А. [Помощь пострадавшим на месте происшествия. Вопросы терминологии.](#) // Информационно-аналитический вестник. Социальные аспекты здоровья населения. — 07.04.2008. — № 1 2008 (5)